

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА САРЕЗ КЎЛИ – ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТ МАНБАИ

Холбоев Шавкат Шакиржонович

*Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси
ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институтининг 2-курс магистранти.*

Юлдашева Барно Анваровна

*Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси
ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институтининг Магистратура факултети
бошлиги*

Аннотатсия: *Марказий Осиё минтақасида жойлашган давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий ва экологик аҳволини белгилаб берувчи минтақавий хавфсизликни таъминланишининг асосий омиллардан бири бу трансчегаравий сув объектларидан ҳамкорликда фойдаланиш соҳаси бўлиб, ҳозирги кунда минтақа давлатлари ўртасида ушбу соҳада бир қатор муаммолар ўз ечимини топмаган. Шу жумладан, Сарез кўли ҳам Ўзбекистон ва Тожикистон республикалари ўртасидаги трансчегаравий сув объектларидан биридир.*

Ушбу мақолада, Марказий Осиёда трансчегаравий фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирлари самарадорлигини ошириш йўллари ҳақида фикр ва мулоҳазалар юритилиб, воқеалар ривожини орқали таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: *Ўзбекистон ва Тожикистон республикалари, трансчегаравий ҳолатлар, фавқулодда вазиятлар, олдини олиш чора тадбирлари, сиёсий конфликт зоналар.*

САРЕЗСКОЕ ОЗЕРО В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ - ИСТОЧНИК ЧРЕЗВЫЧАЙНОЙ СИТУАЦИИ

Холбоев Шавкат Шакиржонович

*Магистр 2 курса Института Гражданской Защиты при Академии МЧС
Республики Узбекистан.*

Юлдашева Барно Анваровна

*Начальник факультета магистратуры Института гражданской защиты
Академии МЧС Республики Узбекистан*

Аннотация: *Расположен в Средней Азии. определение социального, экономического и экологического состояния государства это один из ключевых факторов обеспечения региональной безопасности как область совместного использования трансграничных водных объектов, в настоящее время число в этой области среди стран региона проблемы остаются нерешенными. В том числе Сарезское озеро оба трансграничные между республиками Узбекистан и Таджикистан является одним из водоемов.*

В данной статье рассматривается и анализируется ход событий в Центральной Азии, обсуждаются пути повышения эффективности мер по предупреждению и ликвидации трансграничных чрезвычайных ситуаций.

Ключевые слова: *Республики Узбекистан и Таджикистан, трансграничные ситуации, чрезвычайные ситуации, превентивные меры, зоны политических конфликтов.*

LAKE SAREZ IN CENTRAL ASIA - SOURCE OF EMERGENCY

Kholboev Shavkat Shakirjonovich

*2nd ear master of the Institute of Civil Protection under the Academy of the Ministry of
Emergency Situations of the Republic of Uzbekistan.*

Yuldasheva BarnoAnvarovna

*Head of the Master's Faculty of the Institute of Civil Protection under the Academy of
the Ministry of Emergency Situations of the Republic of Uzbekistan.*

Annotation: Located in Central Asia determining the social, economic and ecological status of states and this is one of the key factors in ensuring regional security as a field of joint use of transboundary water bodies, currently a number in this area among the countries of the region problems remain unresolved. Including Lake Sarez both cross-border between the republics of Uzbekistan and Tajikistan is one of the water bodies.

This article discusses and analyzes the course of events in Central Asia, discussing ways to increase the effectiveness of measures to prevent and eliminate cross-border emergencies.

Keywords: Republics of Uzbekistan and Tajikistan, cross-border situations, emergencies, preventive measures, political conflict zones.

Ўрта Осиё ерларида жўшқин Аму, Сир, Зарафшон, Қашқа, Панж, Қора ва Норин дарёлар, йирик-йирик сув омборлари хаёт ва нур вохаларидаги, ҳамда баланд тоғлардаги кўллар гўзалликни бахшида этади.

Лекин уларнинг ўз изларидан чиқиб кетиши, кўлларнинг очилиб кетиши мисли кўрилмаган вайронагарчиликлар, талофатлар, одамларнинг қурбон бўлишига олиб келишини тасаввур қилиш жуда қийин. Аммо бундай ходисаларнинг юз бериши эҳтимолдан холи эмас. Шу боис бундай фавқулодда вазиятларни олдини олиш инсонлар хаётини, саломатлигини сақлаш, мамлакат иқтисодиётига путир этказишини олдини олишни хар бир инсон шу бугунги кундан бошлаб ўйламас экан, бундай нохуш ходисалар эртага бўлиши мумкин. Хозирги кунда бундай хавф туғдиручи кўллардан бири Тожикистон Республикаси тоғли Бадохшон мухтор вилояти худудида Помир тоғининг марказий қисмида жойлашган “Сарез” кўлидир.

1911 йил 18 февралдан 19 февралга ўтар кечаси бўлиб ўтган кўчли зилзила оқибатида Мурғоб дарёси водийсида жуда катта хажмда тоғ кучкиси содир бўлади ва бу кўчи Усой қишлоғини тўлиғича кўмиб ташлайди. Бутун бошли қишлоқни барча аҳолиси тупроқ тош уюми остида қолиб халок бўлади, ва бу тоғ

кўчкисидан хосил бўлган уюм «Усой уюми» деган ном олади. Юзлаб тонна хажмидаги тоғ жинслари сурилиб бориб Мурғоб дарёси водийсини тўсиб жуда катта кўл хосил бўлишига сабаб бўлади. Бу сув хавзасида тўпланиб хосил бўлган сув Сарез қишлоғини тўлиғича босиб қолади. Шунинг учун кўлнинг номни Сарез кўли деб атаганлар.

«Усой уюми» Мурғоб дарёсига келиб қуюлувчи унча катта бўлмаган Шадад-Дара дарёсини ҳам тўсиб қўйган ва Сарез кўлига нисбатан унча катта бўлмаган Шадад кўли ҳам хосил бўлган.

маълумотларга кўра, Сарез кўли сув юзаси $8,8 \text{ км}^2$, энг кенг қисми 3380 метрни ташкил қилади. Сувнинг ўртача кўп йиллик сатхи йилига 0.2 метрга кўтарилади. Йил давомида сувнинг кўтарилиб тушиши 10 метрни ташкил қилади, яни сув сатхи ўзининг йиллик ўртача сатхидан сув кўпайганда 5 метрга кўтарилади, камайганда эса 5 метрга пасаяди. Шу сабабли сувнинг хажми 18 км^3 дан 19 км^3 гача ўзгариб туради. Кўлнинг энг чуқур қисми 500 метрни ташкил қилади.

Сарез кўли туғони-Усой уюмининг баландлиги шимолий қисми 550 м, жанубий қисми эса 750 метргача етади. Узунлиги сув юзаси қисми 3150 метрни, юқори қисми эса 5200 метрни ташкил этади.

Кенглиги юқори қисми 0.2 км дан 5 км атрофида пастки қисми эса 5 кмга яқин. Умумий хажми 22 км^3 ни ташкил этади.

Тўғоннинг энг паст қисми кўл юзасидан 45-55 метр баланд.

1911 йили 18-19 февралда бўлиб ўтган ер силкиниши даврида Мурғат ва Бартонг водийларидаги Усой ва бошқа қишлоқларда 105 киши халок бўлган. Шу пайтнинг ўзида қўшни Афғонистон худудида халок бўлганлар сони 70 дан ошиқ бўлган. Зилзила кучи 9 балл бўлиб, у Санкт-Петербургдаги Пулковский обсерваториясида қайт этилган.

1967 йилда «Тождикгеология» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Бутун иттифок гидрогеология ва инженерлик геологияси» илмий тадқиқот институти геологлари

томонидан Помир тоғида жойлашган кўлларнинг хавфлилик (селеопасности) даражасини баҳолаш бўйича тадқиқот ишларини олиб боришган.

Сарез кўлини ўрганиш бўйича тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, Сарез кўлини ўнг қирғоғида (бортида) Усой уюми ва Биромбанд сойи оралиғидаги майдонда денгиз сатҳидан 4000 - 4300 метр баландликда умумий узунлиги 2 километрча бўлган ёриқ (трещина) мавжудлиги аниқланган. Кейинчалик бу майдон «Ўнг қирғоқ сурилмаси» деб атала бошлаган.

Шундай тахминлар борки, агар бу «Ўнг қирғоқ сурилмаси» ҳаракатга келиб Сарез кўлига сурилиб тушадиган бўлса жуда катта сув тўлқини юзага келиши мумкин. Бу эса уюмдан ҳосил бўлган тўғонни шимолий пастки қисмидан сув тошиб ўтиб, тўғонни бузилиб кетишига олиб келиши мумкин ва Бартонг, Панж, ва Аму-дарё водийларида (гигант) жуда катта ваҳимали сув тошқини вужудга келади.

Бу тахмин қилинаётган Сарез талофати Шохимардон талофатидан бир неча 1000 баробар катта бўлиши мумкин.

Сарез кўлини ва унинг атрофини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот ишлари натижалари шуни кўрсатадики, агар инсоният бу ерда бўлаётган табиий жараёнларга таъсир қилмаса, олдини олиш тадбирлари кўрилмаса, Усой уюмининг очилиб кетиши, Сарез кўлининг йўқ бўлиши муқаррар.

Кутилаётган Сарез талофати жуда ваҳимали, бу ҳавли ҳудудда 6 миллионга яқин аҳоли яшайди. Бундай талофат натижасида Афғонистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон республикаларига жуда катта иқтисодий зарар етиши мумкин. Бундай талофат оқибатларини тугатиш учун бир неча ўн йиллар керак бўлади. 1967 йилдан бошлаб тегишли вазирликлар, ҳукумат комиссиялари томонидан қатор тадбирлар олиб борилган.

1975 йиллари «Сарез кўлининг очилиб кетишини олдини олиш ва унинг сув ресурсларини суғориш ва энергетикада ишлатиш комплекс тадбирлари схемасини тузиш бўйича қарор ва кўрсатмалар қабул қилинган.

1988 йили Гипроводхоз ва Гидропроект институтлари томонидан хавфсизликни таъминлаш бўйича бир қанча схемалар ишлаб чиқилган.

Икки қардош Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари ҳукуматлари, икки халқнинг азалий дўстона муносабатларига таянган ҳолда Сарез кўлининг очилиб кетиши билан боғлиқ, бўлган фавқулудда вазиятларнинг олдини олишни қулай йўлларини биргаликда излашга интиломқдалар.

Давлат дастурининг асосий мақсади, бўлиши мумкин бўлган трансчегарали табиий ва техноген тусдаги фавқулудда вазиятларни олдини олиш ва баргарф қилиш давлатлараро олиб борилаётган келишилган сиёсатни мустаҳкамлаш.

Ҳулоса қилиб айтганда, сарез кўли ва унинг атрофида бўладиган фавқулудда вазиятларни мониторинг ва башорат қилиш усуллари ва тизимларини, келиб чиқиши мумкин бўлган фавқулудда вазиятларни баҳолаш ва бошқариш ҳамда бўлиши мумкин бўлган зарар ва йўқотишларни камайтириш усулларини такомиллаштириш, фавқулудда вазиятлар юз бериши мумкин бўлган ҳудудларда кузатув ва разведка ишларини олиб бориш, бошқариш ва ахборотлар билан таъминлаш тизимини яратиш муҳим омил ҳисобланади.

Бу ишларни амалга оширишда тегишли вазирлик ва корхоналар, ҳамда «Қизил ярим ой жамияти»ни жалб этиш ва олиб борилаётган ишлар бўйича аҳолини хавфсизлигини таъминлаш борасида марказий ва маҳаллий радио ва телевидение дастурлари орқали хабардор қилиб бориш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон - Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг асосий ташаббускори.

<https://www.uwed.uz/ru/news/fulltext/1219>

2. Territorial disputes in Central Asia on the threshold of the 30th anniversary of independence - CABAR.asia. <https://cabar.asia/en/territorial-disputes-in-central-asia-on-the-threshold-of-the-30th-anniversary-of-independence>

3. Markaziy Osiyoda transchegaraviy suv resurslaridan oqilona foydalanish bo'yicha brifing o'tkazildi.

https://dunyo.info/uz/site/inner?slug=markaziy_osiyoda_transchegaraviy_suv_resurslaridan_oqilona_foydalanish_bo%20%98yicha_brifing_o%20%98tkazildi-%U